

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ - ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ГАРОВИ

Хурсанд Худойбердиев

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фалсафа фанлари номзоди, доцент.

***Аннотация:** мақолада ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – миллий манфаат тушунчаси таҳлил қилинган. Ижтимоий манфаатларни тарихий ривожлантириш жамият тараққиётининг гарови эканлиги асослаб берилган.*

***Калит сўзлар:** миллат, миллийлик, манфаат, жамият тараққиёти.*

НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИНТЕРЕСЫ – ГАРАНТИЯ РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

Хурсанд Худойбердиев

Термезский филиал Ташкентского государственного технического университета им. Ислама Каримова, кандидат философских наук, доцент

***Аннотация:** в статье анализируются понятие национальные интересы и его особенности. Критикуется отсутствие к национальные интересы. Значение национальных интересов в процессе общественные развития.*

***Ключевые слова:** нация, национальные интересы, общественное развитие.*

OUR NATIONAL INTERESTS ARE THE KEY TO OUR DEVELOPMENT

Khursand Khudayberdiev

Candidate of Philosophy, Associate Professor. Termez branch of Tashkent State Technical University named after Islam Karimov.

***Abstract:** the article describes one of the characteristics of each nation, analysis of national interest. It emphasized that the historical development of social benefits is the key to the development of society.*

Keywords: *nation, nationality, benefit, community development.*

Кириш. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин юртимизда демократик, инсонпарвар, фаровон, эркин давлат куришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилаб олди. Мана шу вазифадан келиб чиқиб Ўзбекистонда амалга ошириладиган сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият курилишини янада эркинлаштиришини кенг қамровли, улуғвор жараён деб баҳолайди.

Дарҳақиқат, бу жараён ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олади. Аммо у аввало инсонлар киришадиган ўзаро муносабатлар, алоқалар тизимига тегишлидир. Инсон, оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, давлат-булар ўртасидаги муносабатлар доимо фуқаро ва давлат ўртасидаги алоқаларда янада аниқроқ намоён бўлади. Уларнинг замирида ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаронинг манфаатлари ётганлигини англаш қийин эмас. Агар биз одамларнинг биргаликдаги муносабатларини бинога қиёс қилсак, ҳар бир инсоннинг манфаатлари шу бинога қўйилган ғиштларга ўхшайди.

Алоҳида ғиштлардан улкан бино бунёд бўлгани каби, ҳар бир инсон манфаатларидан ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва уларни боғлаб турувчи ижтимоий-сиёсий ташкилотлар барпо бўлади. Одамларимизнинг бир-бирига муштарак боғлайдиган асос бўлиб эса манфаатлар уйғунлиги хизмат қилади. Барчамизнинг бугунги ҳаётимизни эркинлаштириш соҳасидаги вазифалар ҳақида фикр юритар экан, биринчи Президентимиз “жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур”, деб қайд қилган эдилар. Бу эса манфаатлар масаласидир.

Манфаат – бирон-бир нарсага жалб этилиш даражаси, ундаги иштирок, қизиқиш билдириш, мойилликдир. Моддий жиҳатдан манфаат-фойда унум билан боғлиқ (шу маънода “ўз манфаатларига эга бўлиш” деган ибора ишлатилади). Бирор-бир нарсага, ҳодисага қизиқиши бўлган одам манфаатдор шахс дейилади. Агар бу доимийлик хусусиятига эга бўлса, у манфаатли шахсга айланади.

Дарҳақиқат, бу жараён ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олади. Аммо у аввало инсонлар киришадиган ўзаро муносабатлар, алоқалар тизимига тегишлидир. Инсон, оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, давлат-булар ўртасидаги муносабатлар доимо фуқаро ва давлат ўртасидаги алоқаларда янада аниқроқ намоён бўлади. Уларнинг замирида ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаронинг манфаатлари ётганлигини англаш қийин эмас. Агар биз одамларнинг биргаликдаги муносабатларини бинога қиёс қилсак, ҳар бир инсоннинг манфаатлари шу бинога қўйилган ғиштларга ўхшайди. Алоҳида ғиштлардан улкан бино бунёд бўлгани каби, ҳар бир инсон манфаатларидан ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва уларни боғлаб турувчи ижтимоий-сиёсий ташкилотлар барпо бўлади.

Одамларимизнинг бир-бирига муштарак боғлайдиган асос бўлиб эса манфаатлар уйғунлиги хизмат қилади. Барчамизнинг бугунги ҳаётимизни эркинлаштириш соҳасидаги вазифалар ҳақида фикр юритар экан, биринчи Президентимиз “жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур”, деб қайд қилган эдилар. Бу эса манфаатлар масаласидир. Манфаат – бирон-бир нарсага жалб этилиш даражаси, ундаги иштирок, қизиқиш билдириш,

мойилликдир. Моддий жиҳатдан манфаат- фойда унум билан боғлиқ (шу маънода “ўз манфаатларига эга бўлиш” деган ибора ишлатилади). Бирор-бир нарсага, ҳодисага қизиқиши бўлган одам манфаатдор шахс дейилади. Агар бу доимийлик хусусиятига эга бўлса, у манфаатли шахсга айланади.

“Фалсафа. Қомусий луғат” китобида қайд этилишича: “Миллий манфаат-миллат, халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижтимоий муносабатлар, миллий эҳтиёжлар, тафаккур даражаси маънавий салоҳият, руҳияти, анъана ва қадриятлар тизимидир.”¹

Миллий манфаатлар эҳтиёжларни қондирувчи шароит ва қадриятлар билан бирга, уларни яратиш, таъминлашни белгиловчи ижтимоий тизимга, муносабатлар ва тамойилларга асосланган бўлади.

Улар муайян миллат ва халққа мансуб алоҳида кишилар ёки бирор-бир давлат фуқароси бўлган одамларнинг шахсий манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу манфаатларнинг уйғунлашувини ифодалайди. Шу маънода у умумий манфаатлар мажмусидир.

Манфаатлар халқлар орасидаги ҳар қандай фаолиятдаги қараш, рақобат ёки ҳамкорлик асосида ётади. Унинг таъсирчанлик қудрати ҳам шунда. Миллат ёки мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳволини ифода этар экан, у миллий тараққиёт кучларини ҳаракатга ундовчи муҳим омил вазифасини бажаради. Миллий манфаатнинг намоён бўлишида унинг умуминсоний манфаатлар билан уйғунликка эришишига ёрдам берувчи ижтимоий механизмда умумбашарий қадриятлар муҳим ўринни эгаллайди. У

¹ Фалсафа Қомусий луғат. –Т.: “Шарқ”, 267-бет.

миллий эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдорлик билан бутун дунёдаги инсоният тараққиёт йўлидаги мақсадлар орасидаги бевосита алоқани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Манфаатга дахлдор нарса - бу инсонларда қизиқиш уйғотувчи нарсалар, воқеалардир. Улар инсонларнинг амалий, кундалик эҳтиёжлари учун аҳамиятга эга. Шунга кўра моддий ва маънавий, умумий ва хусусий манфаатлар тўғрисида сўз юритиш мумкин. Агарда жамиятга беғараз хизмат қилиш шахсий фойда билан уйғунлашса, соғлом манфаат туғилади. Сиёсий маънодаги манфаат ҳам мавжуд бўлиб, у давлатнинг ўз чегараларидаги ва ундан ташқаридаги дахлдорлигини англатади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш зарурки, манфаатлар доимо бир-бири билан мувофиқ келавермайди. Зеро, одамларнинг ўз-ўзини англашлари турли тарзда кечади. Инсон ўз эҳтиёж ва манфаатларини ҳис этиш орқали ўзи учун зарур йўналишни топа олади. Шунда у ўз манфаатларини ижтимоий ҳамкорлик йўлида бошқалар манфаатлари билан уйғунлаштиришга уринади.

Донолар шунинг учун бежизга “Ўзингни англаб ет!” дейишмаган. Ижтимоий барқарорлик қоидаларини ҳаётга жорий этишда манфаатлар ўртасидаги уйғунликка алоҳида эътибор бериш ўринли. Бунга адолат асосида эришилади. Аммо бу масалада бир жиҳатга эътибор қаратиш фойдадан холи эмас. Гап шундаки, ҳаётда тақдирга кўра омадлироқ бўлган гуруҳлар ўз ижтимоий мавқеларини сақлаб қолишга, бошқа гуруҳлар эса иложи борида ўзларининг имкониятларини яхшилашга уринадилар. Шу ҳолатда зиддият келиб чиқиши мумкин. Айниқса мана шу зиддиятларни қонун асосида ва демократик йўл билан ҳал қилиш ижтимоий барқарорликка

хизмат қилади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани, Андижон вилояти ҳамда Республикамиз имом-хатибларининг йиғилишида ёт гоъларга алданиб ёки онгли кириб қолган фуқаролар билан ишлаш зарур эканлигини алоҳида қайд қилдилар. Уларни душман ҳисоблаб эътиборсиз қолдирсак бўлмайди. Уларнинг тавба қилганларига, хатосини англаб олганларга мамлакатимиз фуқароси сифатида ёрдам беришимиз зарур. Аксинча, мақсадларимизни тушунишни хоҳламайдиганларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаришимиз зарур, деб қайд қилдилар. Маълумки, ҳар бир инсон ўзи учун жамиятда мақбул ва қулай бўлган имкониятларни қўлга киритишга уринади. Худи шундай хатти-ҳаракатларни бошқа бир индивид, соддароқ айтганда оддий киши ҳам содир этади.

Оқибатда хатти-ҳаракатлар зид келади. Шунинг учун жамиятда барча учун баробар “ўйин қоидалари ёки умумий талаблар бўлиши зарур. Эркинлик, ўзаро ҳамкорлик ва бирдамлик асосига қурилган ана шундай талаблар шароитида ҳар ким тенг имкониятлар шароитида “старт” олади ва кейинчалик ўз қобилияти, меҳнати, сармояси ва ҳаракатига яраша жамиятда ўз ўрнини топади. Чунки, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугун биз тарихий даврда-ҳалқимиз ўз олдида эзгу ва улуғ мақсадлар қуйиб, тинч-осойишта ҳаёл кечириётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз”.²

² И.А.Каримов. Юсак маънавият-енгилмас куч-Т.: “Маънавият”. 2008. 105-бет.

Лекин ҳақиқий ижтимоий ҳаётда бошқалар манфаатидан ажралиб қолган худбин манфаатлар ҳам борки, улар уз моҳиятига кўра умумий манфаатларга зид булади. Шу маънода манфаатларни мувозанатлаштириш муаммоси юзага қалқиб чиқади. Унга шахсий манфаатларни ўзаро мувофиқлаштириш йирикларига майда-чуйдаларини, истиқболли манфаатларга қисқа муддатли манфаатларни бўйсундириш, улар ўртасидаги тунашувни рағбатлантириш эмас, аксинча, уйғун ҳолатга келтириш йўли билангина эришиш мумкин. Бу ўринда нафақат шахсий фойдани, балки, ҳаётда учрайдиган ташвиш ва кийчиликларни ҳам баробар тақсимлаш кўникмаларига эришиш зарур. Доно халқимиз бежизга “Ҳаммага келгани туй” деб айтмайди.

Инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг барча турлари тенг ҳуқуқлилиқ қоидаларига асосланган тақдирда манфаатлар уйғунлигига эришиши мумкинлигини айтиб ўтиш керак. Ҳеч ким биргаликда ишлаб чиқилган ва айниқса тақсимланаётган моддий ва маънавий неъматларга бефарқ эмас. Бунинг устига айрим шахслар ишлаб чиқариш муносабатларидаги узларининг ҳақиқий ўрнини ва ролини кўп ҳолларда тўғри баҳолай олмайдилар. Бу эса уларнинг заруридан ортиқча моддий неъматларга даъво қилишларига сабаб бўлади. Бошқа шахслар бунга эътироз билдиришлари табиий. Натижада яна манфаатлар тўқнашуви юз беради.

Бугун жамиятнинг мураккаб ривожланиш даврида манфаатлар ўртасидаги низоларга эътибор бермаслик хавфли ижтимоий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек: “Хар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту-саодати,

жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқ”. И.А.Каримов “ Ҳаётий манфаатлар” деганда фуқароларимизнинг муштарак манфаатларига ишора қилмоқда.

Манфаатларнинг аниқ ифодаланган шакли - бу уларнинг сиёсий тури эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Дарҳақиқат, манфаат - сиёсатнинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Манфаатлар ижтимоий гуруҳларнинг жамият тузилмасидаги ўрни билан боғлиқ экан, уларнинг нозик мувозанати сиёсатни ҳам маълум маънода белгилаб беради. Зеро, сиёсат ҳокимиятда иштирок этиш ёки ҳокимиятни тақсимлашга таъсир этишга уринишдир.

Бир нарсани комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда манфаатларни, фикр ва қарашларини бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва мафкурадир. Дарҳақиқат, ҳар бир ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг соғлом манфаати миллатнинг манфаатига мамлакатимизда яшаётган бошқа халқларнинг ҳам манфаатига, ҳар бир ўзбекнинг, ҳар бир юртдошимизнинг соғлом ғояси умуммиллий ғояга монанд бўлишига эришишимиз зарур.

Жамият бир текисда, низоларсиз олға қараб ривожланиб бораверади деб ҳисоблаш ҳаётга тўғри келмайди. Ижтимоий низоларни ижтимоий кескинлик келтириб чиқаради. Ижтимоий кескинлик эса адолатнинг бузилишини юзага келтиради. Мураккаб ўтиш даврида қонуннинг адолат тимсоли эканлигига шак-шубҳа йўқ. Шу маънода

конституциявий тузим ва унинг қонунларининг бузилиши адолатнинг бузилиши ҳисобланади. Масалан, 1996 йил 16-февралдаги ҳодисага сабаб бўлган кучлар жамиятимизда қарор топаётган демократик қадриятларни менсимасликлари натижасида, бошқалар ҳисобига ўз мақсадларига эришиш ниятида бўлганлар.

Турли томонлар бир-бирининг манфаатларини тан олиши ўзаро ишончсизликдан қутулиш, келишмовчилик, келишмовчиликларни биргаликда ҳал этиш тенг ҳуқуқлилиқ ва демократия шароитларида амалга ошади. Бунда мувозанатга эриша олмаган турли жамиятлар ижтимоий тўй тўполонлардан, ижтимоий-иқтисодий, миллий-этник, диний низолардан. ҳалигача кутила олмаяптилар.

Ижтимоий манфаатларни фуқароларимиз томонидан тадрижий равишда англаб бориш жараёнларида мустақиллик мафқураси муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил юрт бўлишдан кўзланган умумий манфаатлар шахсий манфаатларни англашга ҳам хизмат қилади. Ўрмонда адашган йўловчи сўқмоқ йўллардан катта равон йўлга чиқиб олгани каби, ўз хусусий манфаатларини тўғри англаган инсонлар умуммиллий манфаатларини ҳам теран тафаккур қила оладилар.

Мамлакатимизда оқибати ноаниқ бўлган кескин сакрашлар йўли эмас, балки бир босқичдан иккинчисига тадрижий тарзда ривожланиш йўли танлаб олинган. Фуқароларимиз онгидаги ўзгаришлар ҳам аста-секин, аммо собитқадамлик билан юз бермоқда. Бу мустақиллик йилларида кулга киритган энг улкан муваффақиятлардан биридир. Шу маънода биринчи Президентимиз бугунги кунда эркин фуқаро онгли

яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс манфаатини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур” деган эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек манфаатлар тушунчаси моҳиятан мураккаб бўлиб, шахсий, гуруҳий, қавм-қариндошчилик, маҳаллий, минтақавий, миллий ва умуминсоний шаклларда намоён булади. Инсоният олами, ўз моҳиятига кўра, манфаатлар дунёсидир. Юқорида санаб ўтилган манфаатлар шаклларида ташқари иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик ва бошқа турдаги манфаатлар ҳам мавжуд. Жамият ўз бошидан кечираётган давр ва тарихий вазифаларига қараб, унинг, яъни манфаатларнинг маълум бир шакли ёки тури жамиятда ҳал қилувчи урин эгаллайди.

Ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида Ўзбекистон учун манфаатлар шакллари ва турлари ичида энг аҳамиятлиси, ҳал қилувчи ўриндагиси миллий манфаатлардир. Чунки мустамлакачилик даврида ва истибдод йилларида Ўзбекистон ва биринчи навбатда, ўзбек халқи уз миллий манфаатларини кўзлаш, иқтисодиёт бераётган фойдани, нафни уз манфаатларларига сарфлашда кун жихатдан бебаҳра эди.

Ер усти ва ер ости бойликлари бениҳоя кўп бўлган. Ўзбекистон марказнинг “соғин сигири”га айлантирилган, ҳар йили ҳисобсиз кўп пахта, олтин, вольфрам, мис, полиметаллар, уран, қоракўл тери, ипак, мева-чева ва бошқа бойликларни марказ ихтиёрига жўнатганлар. Марказ қозонидан ажратилган ўз улушини итоаткорона қабул қилиб олар эди. Саноатнинг етакчи соҳаларида ўзбек ишчилари ва муҳандис-техникавий ходимлари 25% дан ошмас эди.

Ўзбекистонда чоп этиладиган китоблар, газеталар, журналлар рўйхати марказ томонидан сараланиб, тасдиқланар, миллий зиёлилар қаторида доим “миллатчилар” ва “ёт унсурлар”дан “утиб турилар” эди.

Мустақил Ўзбекистон ўз олдига замонамизнинг ривожланган давлатлари қаторида жой олишни мақсад қилиб қуйди. Бу олийжаноб мақсадга эришишнинг зарурий шартларидан бири шундан иборатки, давлат, ҳукумат, халқ ва ҳар бир фуқаро ўз фаолиятини миллий манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаб олиб бориши зарур. Ҳозирги замон ривожланган давлатлари фақат шу тариқа иш олиб бориб, фаровонликка эришадилар. Бадавлат бўлишнинг асоси ота-боболаримиз ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатганидек оқилона иқтисодиёт юритишда, кам сарф этиб, кўп наф олишдадир. Миллий бойликларимизни, имкониятларимизни, салоҳиятимизни ва бошқа омилларни миллий манфаатларни таъмин этиш учун сафарбар қилиш мустақил Ўзбекистоннинг муҳим вазифасидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз” деб қайд қилган эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Фалсафа. Қрмусий лугат. - Т.: “Шарк”, 267-бет.
2. И.А. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”,

2008, 105-бет.

3. Ш.М.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Е.: “Ўзбекистон”, 2018, 244-бет.

4. Khursandovna, K.G. (2022). From the history or the peculiar deve
Development of the national culture of the Surkhandarya people. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 3, 141-146.

5. Худайбердиева Г.Х., Алланазаров М.М. Ёшларни ғоявий тарбиялашнинг усуллари, шакллари ва воситалари // Инновации в педагогике и психологии. – 2020. – №. SI-2№ 1.

6. Худайбердиева Г.Х. (2020). Сущность и особенность и особенности педагогической профессии, её развитие. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (1), 180.

7. Khudaiberdieva Gulnora Khursandovna ACTIVITIES OF CULTURAL INSTITUTIONS IN SURKHANDARYA DURING THE SOVIET REGIME. Journal of Education, Ethics and Value. Vol. 4, No. 5, 2025. ISSN: 2181-4392. 81-82.